
2021 йилдан бошлаб Ўзбекистонда мажбурий тиббий суғурта тизими жорий этилади

2021 йилдан бошлаб Ўзбекистонда мажбурий тиббий суғурта тизими жорий этилади

Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ҳам мажбурий тиббий суғурта тизimini босқичма-босқич жорий этиш бўйича топшириқ берди.

9 ноябр 2018, 22:50 [Сиёсат](#)

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 9 ноябрь куни соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ҳудудлар аҳолисини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотлар натижаларини таҳлил қилиш ва истиқболдаги устувор вазифаларни белгилашга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Бу ҳақда президент матбуот хизмати хабар қилди.

Давлат раҳбари барча ислохотлардан асосий мақсад одамлар ҳаётини яхшилаш экани, сифатли тиббий хизмат бу борада муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

«Фармон ва қарорлар чиқарилиб, соҳага шунча имкониятлар яратилди, долзарб масалалар ҳал қилиб берилди. Лекин соғлиқни сақлаш тизимида кутилган натижалар кўринмаяпти. Айниқса, туманлар, чекка қишлоқлардаги аҳоли тиббий хизматдаги жиддий ва туб ўзгаришларни ўз ҳаётида сезаётгани йўқ», — деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йилнинг ўтган даврида президентнинг Виртуал қабулхонасига тиббиёт соҳасига доир 45 мингдан зиёд мурожаат келиб тушгани, бу соҳада ҳали муаммолар борлигини кўрсатиши қайд этилди.

Масалан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими, туман марказий шифохоналарининг моддий-техника базаси ва малакали кадрлар билан таъминланиш даражаси талабга жавоб бермайди. Бунинг оқибатида ҳудудлардаги беморлар катта маблағ сарфлаб, Тошкент шаҳрига келишга ёки чет давлатларга боришга мажбур бўлмоқда.

Шу боис йиғилишда тиббиёт тизимидаги муаммоларни вақтида аниқлаш ва ҳал этиш, бунинг учун ҳудудлардаги ҳолатни тўлиқ қайта кўриб чиқиш, ўрганишларда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникадан марказий тиббиёт муассасаларигача қамраб олиш кераклиги таъкидланди.

Тиббий хизмат кўрсатишда республика, вилоят, туман ва қишлоқ бўғинлари ўртасида боғлиқликни кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бунда, аввало, маҳаллаларда профилактика ишлари ва тиббий кўриклар яхши ташкил этилиб, касалликларнинг олди олинади, зарур ҳолларда беморлар туман ва вилоят марказларига юборилади. Туман тиббиёт бирлашмалари эса касалларни имкон қадар ўзида даволаб, оғир беморларни вилоят ва республика муассасаларига йўналтиради. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари эса ўз ихтисослиги бўйича ягона методик, технологик, даволаш ва профилактика сиёсатини амалга ошириб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлайди.

Йиғилишда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига ҳам эътибор / 3 қаратилди. Оналар ва болалар ўлимига сабаб бўлаётган омилларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Юқумли бўлмаган касалликларни профилактика қилиш ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмагани қайд этилди. Қатор ихтисослаштирилган марказларнинг бу борадаги фаолияти танқид қилинди.

Айрим ҳудудларда юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш ишлари ҳам қониқарли эмас. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида гепатит, ўпка сили билан касалланиш сони республика бўйича 20 фоизгача камайган бўлса-да, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг айрим туманларида камаймаган.

Шу боис республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларидаги моддий-техник база ва даволаш ҳолатини ўрганиб, мавжуд камчиликларни ҳал этиш, ОИТСнинг олдини олиш, хорижий давлатларда меҳнат қилиб қайтган шахсларни мажбурий тест текширувидан ўтказишнинг қонуний механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Хусусий тиббиёт муассасалари тармоғини янада кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Хусусий тиббиётнинг барча тармоқларини ҳам ривожлантириш, йирик шаҳарларда нафақат юртдошлар, балки қўшни мамлакатлар фуқароларига ҳам тиббий хизмат кўрсатиш бўйича катта имкониятлар мавжуд.

Шунинг учун мутасаддиларга хусусий тиббиёт муассасалари тармоғини кенгайтириш, Тошкент, Самарқанд, Андижон каби йирик шаҳарларда «тиббиёт хаб»ларини барпо этиш бўйича вазифалар топширилди.

Касалликларнинг олдини олишнинг энг камхарж ва самарали йўли аҳолининг соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш маданиятига амал қилишидир.

Афсуски, камҳаракатлилиқ ва нотўғри овқатланиш оқибатида Ўзбекистон аҳолисининг ярми ортиқча вазнга эга, одамларнинг 46 фоизи қон таркибида меъёрдан ортиқ холестерин мавжуд, 31 фоизида қон босими юқори.

Шу боис аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини ва соғлом овқатланиш маданиятини тарғиб қилиш орқали касалликлар профилактикасини кучайтириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Видеоселекторда тиббиёт соҳасини ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш йўналишлари муҳокама қилинди. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда 2025 йилгача соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича концепция лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Масалан, соҳани молиялаштиришнинг амалдаги смета усули эскиргани, тиббиёт муассасалари қанча бемор даволанганига қараб эмас, койка-ўринлар сонига қараб молиялаштириб келинаётгани қайд этилди. Бугунги замон талаблари ва хориж тажрибасидан келиб чиқиб, синов тариқасида мамлакатнинг 14 та ҳудудида биттадан тиббиёт бирлашмасини аҳоли жон бошига ва стационар шароитда даволанганлар сонига қараб молиялаштириш бўйича топшириқ берилди.

Бугунги кунда барча ривожланган давлатларда мажбурий тиббий суғурта тизими жорий этилган. Бу орқали бюджет харажатларини камайтириш, тиббий хизмат сифатини оширишга эришилган.

Йиғилишда 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ҳам мажбурий тиббий суғурта тизимини босқичма-босқич жорий этиш, Жанубий Корея, Сингапур, Германия каби давлатлардан халқаро консультантларни жалб қилган ҳолда, тегишли қонун ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Тиббиёт соҳасида давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантириш, айрим даволаш муассасаларини шундай шериклик асосида юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, уларга тўлиқ молиявий мустақиллик бериш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Тиббий таълим тизимини ислоҳ қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Нуфузли хорижий таълим муассасалари филиалларини очиш, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари ва ихтисослашган тиббиёт марказлари ўртасида интеграцияни кучайтириш масалалари бўйича ҳам топшириқлар берилди.

2018-11-12 15:16:39